



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

## БУХОРО МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИНинг ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Халқаро илмий-амалий конференция

## МАТЕРИАЛЛАРИ



19-oktabr 2021-yil

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БУХОРО ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

МУСИҚА ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ

**БУХОРО МУСИҚА  
ФОЛЬКЛОРИНИНГ ТАРИХИЙ-  
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ  
МАСАЛАЛАРИ**

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**19 октябрь**

**Бухоро - 2021**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 31.05.2017й. ПҚ-3022 маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон қарорига мувофиқ **2021-йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”**га бағишланган 2021 йил 19 октябрь куни Бухоро давлат университетида **“Бухоро мусиқа фольклорининг тарихий- назарий ва амалий масалалари”** мавзусида илмий-назарий анжуман ўтказилмоқда.

Анжуманинг мақсади-миллий, маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, ўзбек мусиқа фольклорини жумладан, Бухоро мавриги ва тароналарини янада ривожлантириш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада оширишни рағбатлантириш, миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништириш, ёшлар онги ва қалбида мустақиллик гоясига, юқори маънавият ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғуларининг янада чукур илдиз отиши, эстетик ва маданий эҳтиёжларни таъминлашга йўналтирилган маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш, ижодкор ёшларга ҳар томонлама кўмаклашиш, маънан етук, интеллектуал ривожланган ва юқори маданиятли шахсларни тарбиялаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда Республикада ушбу соҳада эришилган илмий натижаларни амалиётга татбиқ қилиш.

**Масъул муҳаррир:**  
Б.Х.Мадримов – педагогика фанлари номзоди,  
профессор.

**Тақризчилар:**  
Б.Мустафоев – педагогика фанлари номзоди, доцент  
А.Р.Ҳамроев – педагогика фанлари номзоди, доцент

Тўпламга киритилган мақола ва тезислар мазмуни, илмийлиги ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун муаллифлар масъулдирлар.

## **ИЛМИЙ АНЖУМАННИНГ ДАСТУРИЙ ҚҮМІТАСИ**

- |                 |   |
|-----------------|---|
| 1. О.Х.Хамидов  | - Университет ректори, раис;                                      |
| 2. О.С.Қаххоров | - Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис ўринбосари;  |
| 3. С.С.Азимов   | - Санъатшунослик факультети декани, п.ф.ф.д. (PhD), доцент, аъзо; |
| 4. Т.И.Ражабов  | - Мусиқа таълими кафедраси мудири, п.ф.ф.д. (PhD) доцент, аъзо;   |
| 5. Б.Х.Мадримов | - Мусиқа таълими кафедраси профессори, п.фн., аъзо                |
| 6. С.Д.Дўстов   | - Мусиқа таълими кафедраси профессори, п.ф.н., аъзо;              |
| 7. Д.Ю.Рузиев   | - Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси п.ф.н. доцент, аъзо;        |
| 8. У.М.Миршаев  | - Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси, котиб;                     |

## **ИЛМИЙ АНЖУМАННИНГ ТАШКИЛИЙ ҚҮМІТАСИ**

- |                   |   |
|-------------------|---|
| 1. О.С. Қаххоров  | - Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис;   |
| 2. С.С.Азимов     | - Санъатшунослик факультети декани, раис ўринбосари;    |
| 3. Т.И.Ражабов    | - Мусиқа таълими кафедраси мудири, п.ф.ф.д. (PhD) аъзо; |
| 4. Б.Х.Мадримов   | - Мусиқа таълими кафедраси профессори, п.фн., аъзо      |
| 5. Ф.Г.Нуруллаев  | - Мусиқа таълими кафедраси доценти, аъзо                |
| 6. И.А.Кўشاев     | - Мусиқа таълими кафедраси аъзо катта ўқитувчиси,       |
| 7. У.М.Миршаев    | - Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси, котиб            |
| 8. Т.Дж.Мухамедов | - Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси, аъзо             |

hisobga olgan holda o‘z darsida harakat bilan bajariladigan ishlarga keng o‘rin ajratadi. Boshlang‘ich sinf musiqa darslari dasturi ham kuy iva vazni yengil, harakati o‘rtacha va bir ovzli ashulalarni turli harakatlar, raqslar bilan ijro etishni tavsiya qiladi. Bu o‘rinda musiqiy mashg‘ulotlar jarayonida o‘quvchilarning ijodiy faolligini ta’minlash alohida ahamiyatga molik. Musiqani tushunish, uning orombaxsh ta’siridan bahramand bo‘lish, malaka va ko‘nikmalar qatori emotsiyonal his-tuyg‘ularning ishtirokiga ham bog‘liq. Asarni ijro va idrok etishda his-tuyg‘ular qanchalik faol va chuqur bo‘lsa, ularni tushunish va o‘zlashtirish, to‘yinish va zavq olish ham shunchalik ongli va chuqur bo‘ladi. Bu holatlar esa o‘z o‘rnida ijodiy faollilik natijasida sodir bo‘ladigan jarayon. Zero zerikarli va sokindik holati sinfda jonli hissiyot holatini tashkil eta olmaydi.

Xulosa qilib aytganda musiqa darslarida o‘quvchilarning ijodiy faollikkleri o‘ziga xos tashabbuslari zarur talablardan biridir. O‘qituvchi o‘z o‘quvchilarga dars materiallarini bayon etar ekan, hamma narsani o‘zi aytib berishga, tushuntirib berishga harakat qilmaydi, balki o‘quvchilarni fikrlash, tafakkur qilish qobiliyatlarini ishga soladi. O‘quvchilarni o‘ylash taqqoslash, xulosa chiqarish, baholash malakalarini o‘stira boradi va bu bilan o‘z darsini yanada jonli qiziqarli va ongli bo‘lishini ta’minlaydi. Yosh avlodni san’atning eng faol turlaridan biri hisoblangan musiqaga qiziqish uyg‘otib musiqa orqali o‘quvchilarni har tomonlama yetuk, komil, barkamol qilib tarbiyalash hozirgi kun musiqa o‘qutiuvcilarining oldiga qo‘ygan eng maqsadli vazifalaridan biridir. Maktabda musiqa darslarini olib borish o‘z tabiatiga ko‘ra murakkab va ma’suliyatli vazifadir. Biz o‘z navbatida har bir o‘qituvchidan o‘z fanini sevishlikni, bolalar tarbiyasida katta ma’suliyat his qila bilishlikni taqozo etadi. O‘quvchilarning musiqaviy tarbiyalarda boshlang‘ich sinflarda to‘g‘ri va tizimli amalga oshirilgan tadbirlar ularning keyingi yillarda har tomonlama va ayniqsa estetik jihatdan shakllanib borishlarida mustahkam zamin bo‘lib xizmat qiladi.

#### Adabiyotlar

1. O‘zbek musiqasi tarixi. Tuzuvchi T.Solomonova. T,1984-y.
2. Rajabiy Y. ,O‘zbek xalq musiqasi. 5-jild. 1., 1959-y.
3. I.Rajabov “Maqomlar masalasiga doir” T.1963.y.
4. T.Ye.Solomonova “O‘zbek musiqasi tarixi”.T.1981y.
5. A. Odilov. «O‘zbek xalq cholg‘ularida ijrochilik tarixi». Т.; «O‘qituvchi». 1995 yil.
6. H.Hamidov. « O‘zbek an’anaviy qo‘sishchilik madaniyati tarixi». Т.; «O‘qituvchi». 1996 y.
7. Matyoqubov O., Maqomot. Т. , «Musiqa» nashriyoti, 2004-y.

## БАРМОҚ ВАЗНИ – ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ҚАДИМИЙ ЎЛЧОВ ШАКЛИ

Тўхтасин Ражабов,  
П.ф.ф.д. (PhD), БухДУ доценти  
Шамшод Ўринов,

БухДУ “Мусиқа таълими” кафедраси ўқитувчиси

Бармоқ вазни ўзбек халқ қўшиқларининг асосий вазни саналади. Бармоқ вазнини вужудга келтирувчи асосий ҳамда ёрдамчи унсурлар унинг тизимий имкониятлари нақадар кенглигини, қулайлигини қўрсатади. Аксарият туркӣ

халқлар күшиқчилиги ва шеърияти бармоқ тизимида салмоқли мавқе касб этган. Бармоқ вазни мисралардаги бўғинларнинг тенг микдорда бўлинишига асосланиши маълум. Бу вазн ўзбек халқ шеър тузилишида етакчилик имкониятини қадимдан ҳозиргача сақлаб келаётир. Бармоқ тизимида шеърларнинг илк намуналари «Девону луғотит турк» да келтирилган бўлиб, бу манбадаги шеърий парчаларни дастлаб профессор Абдурауф Фитрат илк бор мавзулар доирасида гуруҳлаштирган ва “Энг эски турк адабиётининг намуналари”га киритган. “Девону луғотит турк”даги қўшиқлар бармоқ тизимининг илмий-назарий асосларини очиш учун имкон беради. Зеро, адабиётшунос Насимхон Раҳмоновнинг таъкидлашича, “шеър тузилишига оид аллитерация, қофия ва ҳоказо унсурлар қадимги турк шеъриятининг илдизлари ва тараққиётини тасаввур қилишга ва туркий шеър тараққиётини ўрганишга “Девону луғотит турк”даги шеърий парчалар билан бир қаторда, монийлик шеърлари ҳам асос бўла олади”.

Ўзбек, қирғиз, туркман, қозоқ ва бошқа туркий халқларнинг оғзаки ижодида қадимдан мавжуд бўлган бармоқ шеърий тизими ҳозир ҳам шу халқлар шеъриятининг етакчи тизими ҳисобланади. Тўғри, вазн ва тизим истилоҳлари орасида қанчалик уйғунлик мавжуд бўлса, шунчалик айричалик ҳам кўзга ташланади. Бу хусусият аruz ва бармоқда қўлланилаётган ҳижо ҳамда бўғинга ҳам хос бўлган муҳим белгилардан биридир. Дейлик, бўғинларнинг урғули ёки урғусизлиги, ҳижоларнинг узун ёки қисқалиги хусусидаги баҳслар халқ қўшиғининг тузилишини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, аruz квантитатив, бармоқ эса квалитатив, яъни бармоқ микдорга, аruz сифат ва урғуга асосланиши маълум бўлади. Профессор Абдурауф Фитрат ҳам бу масалага жиддий эътибор қилиб: “... бармоқ вазни шеърларида ҳижоларнинг сонига аҳамият берадилар”, – дейди ҳамда тизим ўрнида вазн, бўғин ўрнида эса ҳижо атамаларини қўллайди. Бу ўринда гап қайси тизимнинг қаерда қўлланилганлигига эмас, балки бармоқ тизимининг ўзига хос хусусияти бир жумлада очиб берилиганидадир.

«Бармоқ вазни бутун турклар учун-да, биз ўзбеклар учун-да миллий вазндири, мусулмонлардан бурун, бутун турк шоирлари шул “бармоқ вазни” билан тизимлар, шеърлар ёзар эдилар,” – деганда профессор Фитрат “мусулмонлардан бурун” деган иборани қўллаш орқали бевосита халқ шеъриятининг дастлабки намуналари бармоқда бўлганлигини билдиради. Янада аниқроғи, халқ шеъри бармоқ тизими доирасидаги назм намуналаридир. Яъни халқ оғзаки ижодининг «ёр-ёр», «алла», «ийғи-йўқлов» каби ўнлаб жанрлари тизимининг асосий белгилари бармоқ вазни унсурлари орқали белгиланади. Фольклоршунос М.Алавия ҳам: “Ўзбек халқ қўшиқлари тўртликда ривожланган. Бу қўшиқлар иборанинг ўткирлиги, тилнинг соддалиги, мазмуннинг теранлиги билан ажralиб туради”, – деб халқ шеъри тизимиға хос бўлган бирламчи жиҳат шаклан бармоқ вазнида яратилган тўртлик шаклида оммалашиш эканлигини тўғри кўрсатган эди.

Майдам ўзи яхши қиз,  
Ошга қатиқ, нонга туз.  
Пиёвангга пиёз қиз.  
Хўжасига ниёз қиз.

Халқнинг меҳнат қўшиқлари тизимиға кирувчи ушбу тўртлик 4+3 тарзида туроқланган бўлиб, еттилик туркумни ташкил этган. Бармоқ шеърий тизимининг

учдан ўн еттигача бўлган туркумлари мавжудлигини эътибордан соқит қилмасак, унда юқорида келтирилган еттилик бевосита ўрта туркумга мансублиги маълум бўлади. Ўрта туркум дейишимизга эса еттилик, тўққизлик ва ўн бирлик туркумлари бармоқ шеърий тизимининг энг сермаҳсул кўринишлари эканлиги асос бўлди. Халқ қўшиқларида, айниқса, болалар фольклори намуналарида учлик, тўртлик ва бешлик каби туркумлар етакчилик қилса, кейингилари ўз-ўзидан меҳнат жараёнида, маросимларда ёки мавсумий тарзда ижро этилишини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу ўринда болалар фольклорига оид қўшиқлар муайян мавсум ёки маросимга алоқаси йўқ экан-да, деган савол пайдо бўлади. Дарҳақиқат, болалар фольклори жанрларини маҳсус ўрганганди О.Сафаров тадқиқотларида бу масала тўлалигича очиб берилган. Юқорида келтирилган халқ қўшиғида фикр ифодаловчи содда ва равон иккита гап ўз аксини топган. “Майдамнинг ўзи ошга қатиқ, нонга туз. У пиёванди пиёз бўлса, хўжасига ниёз”дир деган якуний хулосани ифодалайди. Бу тўртликда ёки ифодада гўё у қадар кенг мазмуний хулоса баён этилмагандай кўринади. Аммо синчиклаб қаралса, унда ғоявий мазмун шаклий ихчамлика асосланган бўлиб, поэтик фикр “хўжага нарзи ниёз” этилган бирор-бир жониворга қаратилганлиги, яъни меҳнат жараёнининг иштирокчисига нисбатан айтилаётгани равшанлашади. Бир қарашда бу фикр муайян шахсга қаратилгандай таассурот уйготса-да, аслида воқеа ёхуд маълумот негизи шахсни эмас, балки предметни, яъни “нима” ёки “қайси”ни назарда тутяпти. Шеърий мисраларда “қиз”, “туз” сўzlари биринчи ва иккинчи мисралар учун қофияни асосласа, учинчи ва тўртинчи мисраларда ўша “қиз” сўзи радиф, “пиёз” ҳамда “ниёз” сўzlари эса қофия вазифасини ўтаган. Демак, мазкур банд **аabb** тарзидаги қофияланиш тизими асосида қурилган бўлиб, бу бармоқ тизимининг Абдурауф Фитрат таъкидлаган шаклига мос келади. Ёхуд Фитратнинг нафақат илмий-назарий қарашлари, балки ўнлаб шеърларида ҳам бармоқ тизимининг муҳим ўрин тутиши яққол кўриниб туради.

Ўзбек халқ қўшиқлари тузилишини ўрганиш жараёни туркий халқлар оғзаки ва ёзма ижодига мурожаат қилишни талаб этади. Масалага шу нуктаи назардан ёндашсак, туркий халқлар шеъриятининг поэтик хусусиятлари хақида ўнлаб тадқиқотлар яратилганлигини кўрамиз. Шеършунос Хатиб Усмоннинг фикрича: “Туркий тилли халқлар шеъриятида шеър тузилишида фақат биргина шеърий тизим мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса “бармоқ” ҳисобланади” деган қарашлар мавжуд. Динлар ўзгариши натижасида араб шеъриятидан “аруз” кириб келди”.

Қўшиқлар фольклорнинг нисбатан қадимий ва кенг тарқалган тури бўлиб, тузилиши мураккаб эмас. Улар содда ва оҳангдор тўртликлардан ташкил топади, кўпинча содда шаклда, ўйноки, бармоқ вазнида яратилиши боис тез ва осон ёдда қолади.

Хунармандчиликка оид меҳнат қўшиқлари турига кирувчи тўқувчилик қўшиқлари, асосан, 7-8 ёки 11 ҳижоли бармоқ вазнида яратилганлиги кузатилади. Аникроғи, ўрмак қўшиқлари 7-8 ҳижоли бармоқ вазнида, бўзчи ва моки қўшиқлари эса 11 ҳижоли вазнда яратилгандир.

Маълумки, достонларда қаҳрамоннинг ҳаракати тезлашган лавҳаларда бахши 7 ҳижоли вазндан фойдаланиб, эпик воқеликни шеърий йўл билан баён этади. Худди шунингдек, ўрмак қўшиқларида ҳам тўқувчиларга ғайрат тилаш ва уларни тезроқ ишлашга даъват этиш мотивлари 7 бўғинли бармоқ вазни билан

ифода этилади. Чунки ўрмакчиларнинг руҳий ҳолати, ҳис-ҳаяжони, воқеа ривожининг суръатига ҳамоҳант келиб, айни шу ҳолатга мос вазнни тақозо этади. Натижада 7 бўғинли бармоқ вазни ўрмакчининг ўриш суръати тезлашган, жадаллашган ҳолатларга жуда мос келади. Бундай ҳолатларда куйлананаётган қўшиқ тингловчини ўрмакчи билан ёнма-ён ўрмак тўқиётгандай ҳисни туйишга олиб келади.

Оғир вазиятда ва тушкун кайфиятда ижро этилувчи бўзчи қўшиқлари эса шундай руҳий ҳолатга мос келадиган 11 бўғинли вазнда яратилади:

Дўкон уйга кирсам танам қақшайди,  
Совуқларда ўлмай қолсам яхшийди,  
Қариси тиллага кетса яхшийди,  
Шундай менинг бўзим арzon кетарми?

11 бўғинли бармоқ вазнида яратилган ушбу қўшиқ “а-а-а-б” шаклида қофияланган. Ундаги ҳар бир мисра эса 6+5 шаклида туроқланган. Ўрмак қўшиқларидан фарқли равишда моки қўшиқларининг аксарияти 8 ҳижоли вазнда яратилган.

Қора чача /оҳу зорим, /  
Икки лангар /қиблагорим./  
Обло бўлсин /мадакорим,/

Ўтгин, қора /моким, энди/.

Қўшиқнинг дастлабки учта мисраси “а-а-а” шаклида ўзаро қофияланиб, тўртинчи мисраси очиқ қолган мисра кейинги банднинг олдинги тўртликлар билан мантиқан боғланиб келишини таъминловчи рефрен (уловчи мисра) вазифасини бажариб келган.

Тўқувчилик қўшиқлари “а-а-а-б”, “а-а-б-а”, “а-б-б-в” шаклида турлича қофияланганлиги кузатилади. Ўрмак ўриш ва бўз тўқиши пайтидаги меҳнат ритмига мос бундай енгил оҳанг куйлашга кулайлик туғдирган.

Гуладин илгари /дастгоҳ,  
Пошпурдларин /урдим пастга,  
Сиринг айтмай /ёру дўстга,  
Ўтгин, қора /моким, энди.

Ушбу қўшиқнинг қофияси “а-б-б-в” шаклида бўлиб, унинг тўртинчи мисраси нақарот ёки рефрен вазифасини бажариб келади. Монолог- мурожаат тарзида айтилган бу мисра қўшиқларни мантиқан бир-бири билан боғлаб, уларни муайян туркум доирасида уюштиради ва “моки қўшиқлари” номи билан бирлашиб туради. Яна қўшиқларнинг биринчи мисрасидаги туроқлар таркиби ҳижолар миқдори жиҳатидан қолган мисралар билан ҳар хиллик касб этган. Шунинг учун ҳам қўшиқ оҳангидаги ритмик тебраниш юз бермоқда.

Умуман, меҳнат жараёнида, муайян ҳаётий-маиший эҳтиёж туғилганда, мавсумий ёки оилавий-маиший маросимларда куйлананиб келаётган оғзаки ижод намуналари мазмунан этнографик хусусият касб этса-да, уларда қўлланилган тарсеъ, параллелизм ва ҳ.к. сингари шеърий санъатлар ритмик бирликни асоссловчи воситалар бўлиб хизмат қиласи.

### Адабиётлар

1. Ражабов Т. И. Тематическая классификация узбекской детской народной музыки и игр //Наука, образование и культура. – 2020. – №. 3. – С. 61-63.

2. Ражабов Т. И., Ибодов У. Р. Обеспечение национального наследия в обучении песням бухарского детского фольклора на уроках музыки //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 21-2 (99).
3. Ражабов Т. И. Педагогические возможности использования детских фольклорных песен в духовно-нравственном воспитании младших школьников //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 5-2 (83).
4. Ражабов Т. И. Тическая классификация узбекской детской народной музыки и игр //Наука, образование и культура. – 2020. – №. 3 (47).
5. Ражабов Т. И. Тическая классификация узбекской детской народной музыки и игр //Наука, образование и культура. – 2020. – №. 3 (47).
6. Ражабов Д. З., Ражабов Т. И. ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ УЗБЕКСКОЙ НАРОДНОЙ ЛИРИКИ //Международная образовательная деятельность как фактор развития и сотрудничества высших учебных заведений в современном поликультурном мире. – 2018. – С. 207-212.
7. Раджабов Т. И. Описание вековых ценностей в песне "тутовое дерево-балх" и его место в воспитании учащейся молодежи //Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 70-71.
8. Rajabov T. I. UZLUKSIZ TALIMDA FOLKLOR QO'SHIQLARINI IJRO ETISHHIHG O'ZIGA XOS USLUBLARI //Scientific progress. – 2021. – Т. 1. – №. 5.
9. Rajabov T. Educational importance of folk songs in primary education //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – Т. 1. – №. 01. – С. 72-79.
10. Ibodovich R. T. THE EDUCATIONAL SIGNIFICANCE OF CHILDREN'S FOLK SONGS IN MUSIC CULTURE LESSONS. – 2021.
11. Ibodovich R. T. AESTHETIC EDUCATION OF STUDENTS THROUGH NATIONAL VALUES (ON THE EXAMPLE OF BUKHARA CHILDREN'S FOLKLORE).

## **ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДА БАНД ВА УНИНГ КЎРИНИШЛАРИ**

Тўхтасин Ражабов,  
П.ф.ф.д. (PhD), БухДУ доценти  
Махлиё Рустамова,  
БухДУ “Мусиқа таълими” кафедраси 2-босқич магистранти

Халқ қўшиқлари бадий тафаккурнинг оғзаки жонли ижро жараёнида шаклланган ўзига хос поэтик силсила бўлганлиги сабабли унинг бадий қурилишини тизимли таркиб сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. “Ҳар қандай структура ҳам ахборотни сақлаш ва узатиш воситаси бўлиб хизмат қиласкермайди, бироқ ахборотга хизмат қилувчи ҳар қандай восита структурадир. Бинобарин, семиотик тизимларни – белгилардан фойдаланувчи ва ахборотни узатиш ҳамда сақлашга хизмат қилувчи тизимларни структур нуқтаи назардан ўрганиш масаласи юзага келади”. Аслини олганда эса, турлича жанрий таркибга эга бўлган халқ қўшиқларининг тузилишини бир асос нуқтадан туриб кузатиш лозим. Ана шунда яхлит қараш шаклланади. Маълумки, таркибий тузилишини ўрганиш факат шаклий ҳодиса бўлмай, унда жанрнинг ўзига хос талаблари ҳам етакчилик қиласиди. Чунки “шакл” ва “жанр” атамалари адабиёт назариясида

---

тарбиясидаги ўрни

<b>Ashı ORUNBAYEV.</b> Buhara halk sovyet cumhuriyeti sanat alanindaki faaliyetleri	144
<b>Лилия Харисовна Фаизова.</b> Бухарцы в Сибири: роль в развитии духовной и материальной культуры сибирских татар	147
<b>Шадманова Нодира Исматуллаевна.</b> Фитрат ёшларнинг мусиқий-маданий тафаккурини шаклланиши ҳақида	152
<b>Qurbanov Qo'Idosh Yo'Idoshevich.</b> Dirijyorlik san'ati taraqqiyoti xususida	155
<b>Muxamedov To'lqinjon Djuraevich.</b> Yoshlar tarbiyasining ma'naviy-axloqiy negizlari: yoshlar turmush madaniyatini rivojlantirishda bo'sh vaqtidan oqilona foydalanishning o'rni va ahamiyati	158
<b>Sanoqul Do'stov.</b> Milliy musiqamiz to'g'risida sharq olimlarining ilmiy qarashlari	161
<b>Ботир Досимбетов.</b> Мұхамманиәз Нишотий “Най ва Шамшод” асари	164
<b>Xamdamova Sitora Rustam qizi.</b> Musiqa madaniyati darslarida o'quvchilarning ijodiy faolligini oshirish	168
<b>Тўхтасин Ражабов, Шамшод Ўринов.</b> Бармоқ вазни – халқ қўшиқларининг қадимий ўлчов шакли	169
<b>Тўхтасин Ражабов, Махлиё Рустамова.</b> Халқ қўшиқларида банд ва унинг кўринишлари	173
<b>Abdullayev Mehriddin Junaydulloyevich, Sattorov Mirshod Erkinovich.</b> The use of folklore in the physical education of preschoolers	177
<b>Eshov Erkin Sattorovich.</b> Psychological understandings of folklore works by young school children	179
<b>5-ШЎЪБА. ТАСВИРИЙ ҲАМДА АМАЛИЙ САНЬЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ</b>	
<b>Azimov Sanjar Samadovich.</b> Interfaol usullarni qo'llash orqali tasviriy san'at darslari samaradorligini oshirish	184
<b>M.O.Ochilova, N.A.Raximova.</b> Ta'lim va tarbiya jarayonida shaxsga yo'naltirilgan o'qitish texnologiyalarini qo'llashning ahamiyati.	187
<b>Aslanova N.X.</b> Umumiy o'rta ta'lim mablag'i tasviriy san'at fanlarida interfaol usulda dars o'tish metodini qo'llash	189
<b>G'aniyeva D.K.</b> Dizayn san'ati va zamonaviy tendensiyalari, namunalar tahlili	191
<b>Хакимова Г.А, Жабборова Гўзал Одиловна.</b> Бухоро амалий санъатида мумтоз композицияларнинг акси	194
<b>Azimova M.B.</b> Buxoro tarixiy obidalaring tasviriy san'at tarixidagi o'rni	197
<b>Avliyakulova Nafisa Muzaferovna, Umedov Shahzod Shokir o'g'li.</b> Sharq miniatyurasi o'ziga xos xususiyatlari	198
<b>Avezov Sherzod Naimovich, Ishankulov Sherzod Sharipovich.</b> Amaliy perspektiva texnologiyalaridan foydalanishda talabalarining tasvirlash mahoratlarini takomillashtirish	200
<b>Dilshod Qodirovich Mamatov.</b> Tasviriy amaliy darslarda ijodiy qobiliyatlarni o'stirish	202
<b>Azimova Muxayyo Barotovna, Majidova Rayhon.</b> Rahim Ahmedov xalq rassomi	204
<b>Ibadullaeva Shaxnoza Ilxamovna, Karimova Mahbuba Nutfullaevna.</b> Tasviriy san'atda Amir Temur siymosi	206

---